
Ўзбекистон туманилик тадбиркорлар "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирландилар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан, Миллий иқтисодиётимизни барқарор юксалтириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги катта хизматлари, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган амалий натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мамлакатимиз тадбиркорларининг катта гуруҳи "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хусусан, Ўзбекистон туманидан:

Тумандаги «Turon Eco Cement Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Ахмедов Қодиржон Махмудович ҳамда «Sement xomashyo savdosi» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Махмудов Орифхон Олимхон ўғли ушбу эътирофга сазовор бўлди.

[Президент фармойишининг тўлиқ матни](#)

2023-08-18 09:01:15